



**«АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА  
ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ»**

**мавзусидаги профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг**

**I-илмий-амалий конференцияси материаллари**

**ТЎПЛАМИ**

*30-31 май 2017 йил*

**Тошкент**

## ЧИГИТ СЕЯЛКАСИНING КОМБИНАЦИЯЛАШТИРИЛГАН ИШЧИ ҚИСМИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

А.А.Дускулов, А.А.Исаков, Л.Исламова  
Тошкент давлат аграр университети

Экишга тайёрланган тупроқда кенглиги 12-15 см., чуқурлиги 8-12 см. зона тупроғини чигит экишдан олдин юмшатиш ва ушбу жойга чигит экиш технологияси ҳақида маълумотлар берилган. Шулар билан бир қаторда ушбу технологияни амалга оширадиган комбинациялаштирилган ишчи орган билан жиҳозланган сеялканинг конструкцияси ва юмшатувчи юлдузчалар блокнинг параметрлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Чигит сеялкаси, технология, тупроққа ишлов бериш, юмшатувчи юлдузчалар блоки, экиш.

**Кириш.** Ерларни чигит экишга тайёрлаш асосан қўзда экин майдонини гўзапоялардан, бегона ўт қолдикларидан тозаланади, текисланади, органик ва минерал ўғитлар билан ўғитланади ва шудгорланади.

Баҳорда бевосита экишдан олдин ёки шудгорнинг ҳолатига қараб, 5-10 кун олдин қуйидаги:

- шўрланмаган, бегона ўтлардан нисбатан тоза майдонларда қисман текислаш, тирмалаш ва молалаш ишлари;

- ўт босган майдонларда тупроққа 16-18 см. чуқурликда ағдаргичсиз корпуслар билан жиҳозланган плуглар билан ишлов берилиб, тирмалаш ва молалаш ишлари бажарилади.

Айрим ҳолатларда ерларни чигит экишга тайёрлашда тупроққа етти ва ундан кўпроқ маротаба ишлов берилади.

Бундай агротехник усулларни қўллашдан мақсад, тупроқ структурасини яхшилаш, тупроқнинг кесаксиз, юмшоқ бўлишини, унда намликнинг узоқ сақланишини, оптимал зичлигини таъминлашдан иборат. Бундан ташқари бу усул чигитни талаб этиладиган чуқурликка экиш, эрта ва дурқун ундириб олишни таъминлаши керак [1].


Аммо, кўпчилик ҳолларда бу мақсадга тупроқни экишга тайёрлашда қўлланган машина ва қуролларнинг такомиллашмаганлиги ҳамда экишга тайёрлаш бўйича агротехник талабларга риоя қилинмаслиги натижасида тупроқ серкесак бўлиб қолади. Тирмалаш ва молалаш ишлари бир неча бор такрорланиши натижасида, майдон юзаси (2-8 см. чуқурликда) зичланиб қолади, эзилмаган кесаклар тупроқ қарига ботирилиб киритилади.

Шунинг учун майдон юзасининг зич қатлами ва тупроқ қарига киритилган кесаклар, чигит сеялкаси экичи пичоқларининг тайинланган чуқурликка кириб ариқча олишига қаршилик қилади. Ушбу сабабга кўра, чигит учун тегишли шаклдаги ариқча олиш ҳамда олинган ариқча тубининг зичлаништехнологик жараёни бузилади.

Натижада чигитлар сифатли ва тайинланган чуқурликка экилмайди, уларнинг 40-50 % тупроқ билан тўлиқ қўмилмайди[2]. Бундай ҳолат ўз навбатида ниҳолларнинг тўлиқ унуб чиқиши ва ниҳоллар оптимал сонини олишга ҳалакит беради.

**Услуглар ва материаллар.** Қўйилган масалага мос равишдатадқиқот олиб боришнинг хусусий услубларидан ва классик механиканинг қонуниятларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари.** Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартаараф этиш йўналишида экишга тайёрланган ерда, экиладиган чигит жойлашадиган кенглиги 12-15 см., чуқурлиги 8-10 см. бўлган зона тупроғини юшатиш ва унга чигит экиш технологиясини ва уни амалга оширадиган комбинациялаштирилган ишчи қисм билан жиҳозланган чигит сеялкасининг янги конструкциясини тавсия этамиз. Ушбу сеялка [3] қуйидаги: рама, гилдирак, ҳаракат узатиш қурилмаси, экиш секцияси, кўмиш секцияси, лемех, юмшатувчи юлдузчалар блокдан ташкил тоилган.



Комбинациялаштирилган ишчи қисмлар билан жиҳозланган чигит сеялкаси.  
1-рама; 2-гилдирак; 3-ҳаракат узатиш қурилмаси; 4- экиш секцияси;  
5-кўмиш секцияси; 6-лемех; 7-юмшатувчи юлдузчалар блоки.

Экишга тайёрланган майдонда сеялка ҳаракатланганда, унинг миқдорлаш аппарати ишчи қисмлари ва юмшатувчи юлдузчалар блоки айланма ҳаракатланади ва лемех чуқурлиги 8-10 см., кенглиги 12-15 см. бўлган тупроқ қатламини юмшатади. Бунда қатлам лемех билан қирқиб олинади, ишчи сирти бўйлаб юқорига

кўтарилди, юмшатувчи юлдузчалар билан жадал ишлов берилди ва ўзи олинган жойга қайта ташланади. Натижада тупроқ майдаланиб, ўлчамлари 0,25 ... 10 мм. бўлган оптимал агрегатли структурага эга бўлади.

Чигит сеялкаси юмшатувчи юлдузчаси ишчи органининг ишчи қисми икки ёнли пона кўринишда бўлиб, конуссимон ромб шаклга эга. У чигит экиладиган максимал чуқурликда ( $h=6-8$  см.) ишлов бериши керак, яъни унинг тупроққа ишлов берадиган қисмининг узунлиги ( $h_3$ ) экиш чуқурлигига тенг ёки каттароқ бўлиши керак, яъни  $(h) \leq (h_3)$ .

Юмшатувчи юлдузчаларнинг блокда ўрнатилиш қадами, яъни бир бирига нисбатан ўрнатилиш оралиги, кесакнинг максимал ўлчамига боғлиқ ва бунда майдаланган кесаклар сеяланинг сирпангичли эккичи ишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сеялка эккичининг сифатли ишлашига таъсир кўрсатмайдиган кесаклар ўлчами 20 ... 25 мм. бўлиши керак. Шуни ҳисобга олиб, юмшатувчи юлдузчаларнинг ўрнатилиш қадамини  $Ш_p = 2,0-2,5$  см. қабул қилиш мумкин. Экишни сифатли таъминлаш шарти асосида юмшатувчи юлдузчалар блокнинг камров кенглиги, эккич сирпангичининг кенглиги (14-15 см.) га тенг бўлиши керак.

Унда блокдаги юлдузчалар сони қуйидагига тенгликдан аниқланади:

$$n_3 = \frac{B_{\delta}}{Ш_p + \delta}, \quad (1)$$

Бу ерда,  $\delta$  – юлдузча тишининг ўртача қисми қалинлиги.

$\delta = 0,8 \dots 1,0$  см. қабул қилиб,  $B_{\delta}$  ва  $Ш_p$  лар қийматини формулага қўйиб, блокдаги юлдузчалар сони ( $n_3$ ) 3-4 дона бўлиши кераклигини аниқлаймиз.

Юлдузча тишининг баландлигини ишлов бериш чуқурлигига  $h_3 = h$  тенг деб оламиз. Тишининг асоси ромб шаклида бўлиб, асосининг кенглиги таҳрибан юлдузчаларнинг блокда жойлашиш қадамига тенг деб олинади, яъни  $Ш_3 = Ш_p$ , узунлиги ( $D_3$ ) эса юлдузчанинг тишлар сонига боғлиқ.

Бунда юлдузча тишлари сони  $n_{31}$  ни қурилманинг динамик шароитда ишлашини ҳисобга олиб, уни жуфт б тадан 10 тагача қабул қилиб, тиш асосининг узунлигини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$D_3 = \frac{2a(R - h_3)}{n_{31}}, \quad (2)$$

Бу ерда  $R$  – юлдузчарадиуси, мм.

(2) формулага  $R$ ,  $h$  ва  $n_{31}$  қийматларини қўйиб, юлдузча тишлари сонига боғлиқ равишда, унинг асоси узунлиги 16 мм. дан 25 мм. гача бўлишини аниқлаймиз.

Бунда юмшатувчи юлдузча блокнинг айланишлар частотаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$n_3 = \frac{30V_{36}}{\pi R} \quad (3)$$

Кесакларнинг тўлиқ парчаланиши ва майдаланиши учун, уларга таъсир этадиган урилиш юкласи тупроқнинг намлигига боғлиқ равишда  $V_{36} = 180 - 210$  м/мин. тезлик билан таъсир этиши керак [4].

(3) формулага  $R$  и  $V_{36}$  қийматларини қўйиб, юмшатувчи юлдузча блоки кесакларни парчалаши ва майдаланиши учун, унинг айланишлар частотаси 167-181 об/мин. бўлиши керак

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида чигит сеялкасининг комбинациялаштирилган ишчи қисми (бир нечта вариантда) тайёланди, сеялка рамасининг олд қисмига ўрнатилди

Таклиф этилган технологиянинг кўрсаткичлари амалдаги технологиянинг кўрсаткичлари билан қиёсланди. Тажриба ТошДАУнинг экспериментал муассасасида ўтказилди. Тажриба натижалари қуйидаги жадалда келтирилган.

Турли технологиялар билан ишлов берилган тупроқнинг майдаланиш даражаси.

Тупроқни кишга тайёрлаш технологиялари	Ўртача экиш чуқурлиги, см.	Юмшатирилган тупроқнинг фракция(%)лари бўйича ўлчамлари, мм.				
		100-50	50-25	25-10	10-0,25	менее 0,25
Амалдаги технология	2,1 ... 4,3	40,8	29,2	15,9	12,6	1,5
Таклиф этилаётган технология	4,83	0,0	1,2	13,7	81,7	3,4

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тупроққа амалдаги технология асосида ишлов берилган тупроқнинг майдаланиш даражаси, агротехник талабларга жавоб бермайди. Экиш чуқурлиги ўртача 2,1 см. дан 4,3 см. оралигида ўзгаради. Таклиф этилаётган технология асосида ишлов берилганда, яъни тупроққа юмшатувчи юлдузчалар блоки билан ишлов берилганда чигит экиш сеялкасининг сирпангичли эккичи ишига халақит берадиган кесаклар тўлиқ майдаланганлиги сабабли чигитлар ўртача 4,83 см. чуқурликка экилган.

Экиш жараёни агротехник талаб даражасида амалга оширилди, экилмай ёки қўмилмай қолган чигитлар қузатилмади. Чигитларнинг униб чиқиши амалдаги технология кўрсаткичларига нисбатан 18 % га ошган.

**Хулоса, тақлиф ва тавсиялар.** Юмшатувчи юлдузчалар блоки ва лемехдан иборат бўлган қурилма билан жиҳозланган чигит сеялкаси чигит экиладиган қатламни қўшимча сифатли майдалаб беради ва ўз навбатида чигитларни тайинланган чуқурликка кафолатли экилишини таъминлайди.

Чигит экиладиган тупрокни юмшатиш учун юмшатувчи юлдузчанинг параметрлари: тишининг баландлиги 6-8 см; юмшатувчи юлдузча блокнинг қамров кенглиги 14-15 см, блокдаги юлдузчалар сони 3-4 дона бўлиши керак.

Экишнинг ушбу технологияси чигитларнинг сифатли экилиши ва дуркунуниб чиқиши учун энг яхши шароит яратади.

Чигит экилиш сифатини янада яхшилаш учун юмшатувчи юлдузчалар блоки параметрлари ва ишрежимларини оптималлаштириш ва уларни сеялканин сирпангичли эккичига нисбатан жойлаштириш йўналишида тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Пахтачилик справочниги.-Ташкент.: Мехнат, 1989.-501с.
2. Баймаханов К. Совершенствование процесса высева семян и параметров полозовидного сошника хлопковой сеялки. Автореф. Дисс. На соискуючо степ. Канн. Техн. Наук. Янгиюль.: 1987. 17 с.
3. РУз. FAP 00473 «Устройство для посева на гребнях».
4. Хоан Чен «Разрушение почвенных комков ударом».ж. Механизация и электрификация сельского хозяйства». М.: 1968, №10. С-38-39.

\*\*\*\*\*

## **КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

**А.А.Дускулов, Т.Умиров,Х.С.Махмудов\***

*Тошкент давлатаграруниверситети,*

*\*Тошкент ирригация ва мелиорация институти*

*Картошка етиштириш технологияларнинг кенг тарқалган турлари, уларнинг афзаллик ва камчиликлари, технологияларни амалга оширишда қўлланадиган техникалар, картошка ҳосилдорлигини ошириш йўллари ҳақида маълумотлар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *Картошка, тупроқ, тупроқ-иқлим, қишлоқ хўжалик экинлари, картошка етиштириш технологиялари, операция, плуг, чизел, култиватор, пушта, жўяк, ҳосилдорлик.*

**Қириш.** Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот олишни таъминлайдиган юқори маданиятликдеҳқончилик замирида ўсимликларнинг биологик хусусиятлари, жойлардаги тупроқнинг унумдорлиги ва иқлим шароитларлардан ҳамда илмий асосланган қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш технологияларидан тўғри фойдаланиш ётиши керак.

Ҳозирги кунда картошка етиштиришнинг замонавий технологияси қуйидаги асосий: жойлардаги тупроқ-иқлим шароитларга мос келадиган қимматли хўжалик-биологик хусусиятларга эга бўлган картошка турлари ва навларини танлаш, алмашлаб экиш, экиш учун ўтмишдош экинни танлаш, тупроққа ишлов бериш тизими, ўғитлаш, уругчилик, уругларни экишга тайёрлаш, экиш усули ва муддатлари, экиш нормаси ва экиш чуқурлиги, бегона ўтлардан, касалликлардан ва зараркундалардан ҳимоялаш, экинларни парваришлаш, ҳосилини йиғиштириш ва уларга дастлабки ишлов бериш каби ишларни ҳамда уларни амалга оширишда қўлланиладиган машиналар тизими ва бошқаларни қамраб олади.

**Услуглар ва материаллар.** Тадқиқот ишларда умумилмий услубларнинг “анализ”, “синтез” ва қиёслаш услублари қўлланилган.

**Тадқиқот натижалари.** Дунё бўйича ўнлаб картошка етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган ва қўлланиб келинаётир. Уларнинг оасидан энг кўп тарқалганлари Анъанавий, «Заворов», Голландия, Фарбий Европа, Жўякларда, Пушта-гасмали картошка етиштириш технологияларидир [1]. Қуйида картошка етиштириш технологияларида бажариладиган айрим операциялар ва уларни амалга оширишда қўлланадиган машиналар ҳақида маълумотлар келтирилган (жадвал).

Картошка етиштиришнинг «анъанавий» технологияси Россия Федерацияси хўжаликларидан кенг қўлланилади. У комплекс агротехник, уругчилик, органик ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, ташкилий тадбирларни в ауларни энг сифатли ва энгмақбул муддатларда амалга оширишни кўзда тутди. Бу технологиянинг ажралиб турадиган хусусиятларидан бири, чуқур юмшатиладиган қатлам ҳосил қилишдир. Бунинг учун баҳорда тупроқ қатлами 10...14 см. чуқурликда юмшатилади, ағдаргичсиз корпуслар билан жиҳозланган ёки чизелли плуглар билан қайта ишлов берилади. Пушта олинади, уруглар қисқа муддатда 6...8 см. чуқурликка экилади. Технология картошкаларни қаторлар ораси кенглиги 70 см. экиш ва парваришлвшда 4 қаторли машиналар комплексидан фойдаланишга мўлжалланган. Ушбу технология техник жиҳатдан яхши таъминланган, аммо у жиддий камчиликларга эга: экинни парваришлашда агрегатларнинг пайкал ичига кўп маротаба кириши натижасида тупроқ зичланади, парваришлашда ниҳоллар жароҳат олади, туганаклар ер юзасига чиқиб, кўкариб қолади. Шунга қарамадан, технологик интизомга риоя қилинганида ҳар бир гектар ер майдонидан мунтазам равишда 150 центнердан ошиқ ҳосил олишни таъминлайди [2].

Картошка етиштиришнинг «Заворов» технологияси комплекс агротехник, уругчилик ва ташкилий чора-тадбирларни ўз ичига олади ва бу тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказишни кўзда тутди [3]. Картошка экиладиган ер баҳорда култиваторлар билан 10-14 см. ва ағдаргичсиз корпуслар билан жиҳозланган плуглар билан 27-30 см. чуқурликда қайта шудгорланади. Пушта олиш учун култиваторларга ариқ-очгич-тупроқ тортигич




Рис. 1. Принципиальная технологическая схема конвективной солнечно-топливной сушильной установки:

1 – вентилятор; 2 – правая секция сушильной камеры; 3 – основной калорифер; 4 – левая секция сушильной камеры; 5 – дополнительный калорифер; 6 – регенеративный теплообменник; 7 – линия подогрева атмосферного воздуха; 8 – клапан переключения сушилки; 9 – клапан переключения регенеративного теплообменника; 10 – камера всасывания регенеративного теплообменника; 11 – линия регенерации тепла. даст возможность решить проблемы повышения эффективности солнечно-топливных сушильных установок.

Применение этих принципов и теоретических положений создаст научно-техническую основу для разработки малогабаритных и энергоэффективных сушильных установок, которые должны заложить базу для создания широкой сети малых и средних перерабатывающих предприятий в Республике Узбекистан.

**Выводы, предложения и рекомендации.** Приведенное выше позволяет считать научное направление по разработке технологий и технических средств с комбинированным использованием энергии Солнца и традиционных источников для малых и средних предприятий по переработке сельхозпродуктов актуальным и имеющим важное народнохозяйственное значение.

Таким образом, на основе анализа результатов теоретических и экспериментальных исследований сформулирована основная цель развития научных основ и разработки технико-технологических решений повышения эффективности солнечно-топливных установок для сушки сельхозпродуктов.

#### Список литературы:

1. Давлатов С.С. Тенденции развития, переработки и хранения сельскохозяйственной продукции в Узбекистане // Материалы V-ой Международной научно-практической конференции молодых учёных, посвящённой 25-летию ФГБНУ «Прикаспийский НИИ аридного земледелия» «Приоритетные направления развития современной науки молодых учёных аграриев». ФГБНУ «ПНИИАЗ». Астрахань, 2016. С. 749 – 753.
2. Иванихин И.А. Исследование влияния некоторых факторов на процесс сушки томатной пасты [ИК – вакуумная сушка томатной пасты] // Пищевая и перерабатывающая промышленность. Реферативный журнал. 2005. № 2. С.651.
3. Буклагина Г.В. Электроактивирование процесса сушки семян электроосмосом с их продувкой электроактивированным воздухом // Инженерно – техническое обеспечение АПК. Реферативный журнал. 2001. № 2. С. 530.
4. Раджабов А.Р. К вопросу интенсификации влагоотбора при конвективной сушке винограда //Труды ТИИИМСХ. 1987. Вып.87.
5. Iskandarov Z.S. Thermal optimization of operation mode of solar and self drying plants //Applied Solar Energy. New York, 1999. Vol. 35.No.2.P.34-39.

\*\*\*\*\*

## СЕЯЛКА ЭККИЧЛАРИ БАЖАРАДИГАН ИШНИНГТАҲЛИЛИ

А.А.Дускулов, А.А.Исаков, Л.Исламова  
Тошкент давлат аграр университети

*Мақолада турли тупроқли шароитларда экин уруғларини экиш учун тупроқда турли хил шаклга эга бўлган ариқча ҳосил қилишнинг афзаллик ва қачиликлари ҳамда ариқчани тайёрлашда қўлланилган сеялкаларнинг экичлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тахлилий маълумотлар асосида тақомиллаштирилган тупроққа ишлов бериш техноогияси тақлиф этилган.*

**Калиг сўзлар:** уруғ, тупроқ, ариқча, экиш чуқурлиги, сеялка, экич.

**Қириш.** Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг комплекс технологик операциялари орасида уруғларни экиш ва кўчатларни ўтказиш муҳим рол ўйнайди. Сеялкалар билан уруғ экишда, уруғлар экиладиган майдон юзаси бўйлаб бўйлама (*a*) вақўндаланг (*b*) йўналишларда (қаторлар кенлиги ва қаторда жойлаштириш бўйича) жойлаштириладиган давертикал (*h*) йўналиш (чуқурлик бўйича) бўйлаб тупроққа қадалади. Бундан асосий

мақсад ҳар бир экилган экин ниҳолининг дурқун ривожланиши учун етарлича ва керак бўладиган шарт-шароит яратиш, майдон юзаси бўйлаб тенг жойлаштириш, оптимал туплар сонини олиш ҳамда кўзда тутилган хосидорликка эришишдир.

Экилган уруглардан униб чиққан ниҳоллар сони, яъни экинларнинг қалинлиги, уруг экиш чуқурлигига, тупроқдаги озик моддаларнинг захирасига, тупроқнинг намлиги ва экиш усулларига боғлиқ. Кераклиниҳолларни олиш учун стандарт талабларига мос бўлган уруглар танлаб олинади. Экишдан олдин қўшимча сараланади ва пестицидлар билан ишлов берилади. Тўкилувчанлигини ошириш мақсадида, уруглар, уларни қоплаб турган толалар ва бошқа нарсалардан мнханик ва кимёвий усуллар билан тозаланади. Уруглар калибрланади, бир хил ўлчамдаги уруглар ажратиб олинади, елимланадиган хоссаларга эга бўлган моддалар билан қопланиб, шар шаклига келтирилади, қобиғи қаттиқ бўлган уругланинг қобиғи(беда, люпин)га энгилгина жароҳат етказилади.

Экилган уругларнинг экиш чуқурлиги саёзроқ бўлса, кўзда экилган экинларнинг ниҳолларини совук ўриши мумкин, бу эса экиннинг сийрак бўлишига олиб келади. Агар экилган уруг меъёридан чуқурроқ экилган бўлса, униб чиққан ниҳоллар нозик бўлиб, уларнинг бир қисми нобуд бўлиши мумкин. Уруг ва тупроқ орасида бўшлиқ, ҳаво қатлами бўлмаслиги керак, бу уругга намликнинг етиб боришига халақит беради. Шунинг учун тупроққа яхши ишлов берилади, текисланади ва қисман зичланади.

Ўсимликнинг ривожланишига экиш муддати ҳам таъсир кўрсатади. Экиш муддати кечиктирилса, хосидорлик кескин пасайиб кетиши ҳаммага маълум.

Тупроқда озик моддалар етишмаган ҳолларда тупроққа уруг билан биргаликда минерал ўғитлар солинади. Ўғитлар уруглар билан биргаликда солиниши ва улар орасида тупроқ қатлами ҳосил қилиниб солиниши мумкин.


Тажрибалар шуни кўрсатадики[1 ва 2], экиш жараёнида уругларни экиш чуқурлиги экич ўрнатилган ишлов бериш чуқурлигига ҳамиша ҳам бир-бирига тўғри келабермайди. Бунга асосий сабаблардан бири экишга тайёрланган ер тупроғи сочилувчан муҳит хоссаларига эга бўлишидир. Экичлар ҳаракатланганда, унинг ишчи қисмлари тупроқни суради. Аммо тупроқ сочилувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, унинг ишчи қисми бўйлаб сурилиб экичнинг ички-бўш қисмига оқиб кириб, у ерда қандайдир қия текислик ҳосил қилиб жойлашади. Ушбу текисликнинг энгашиши экичнинг олд қисмига йўналган бўлади. Шунинг учун экичнинг ўтказгич тешигидан ушбу қия жойлашган текисликка тушган уруглар, экич олган ариқча тубига нисбатан турли хил баландликда жойлашади. Уругларни бир хил баландликда жойлаштиришга эришиш учун уругларни экичнинг олд қисмига, оқиб тушган тупроқ етиб бормайдиган аричанинг горизантал текис тубига йўналтириш керак бўлади. Буни амалга ошириш учун иккита усулдан фойдаланилади: экичнинг пастки қисмига узатилган уругларни экичнинг олд қисмига етказиб берадиган, олдинга энгаштирилган пластина-йўналтиргич ўрнатилади ёки экич узатилган уруглар ариқчанинг тоза тубига тушмаганга қадар тупроқнинг ариқча ичига оқиб тушишидан сақлайдиган узайтирилган «шека» билан жиҳозланади.

**Усуллар ва материаллар.** Тадқиқот ишларда умум илмий усулларнинг “анализ”, “синтез” ва киёслаш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқот натижалари.** Уругларнинг агротехник қодаларга мос равишда экилишини таъминлашда тупроқда олинандиган ариқчанинг шакли(қўндаланг кесими бўйича) муҳим рол ўйнайди. Уруглар асосан қўндаланг кесими тўрт хил: V-шакли; U-шакли; тўнтарилган T-шакли ва туб қисми U-шакли бўлган, тўнтарилган П-шакли ариқча ҳосил қилиниб экилади ва улар экин экиладиган ерларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланади. Қуйида уруг эишда фойдаланиладиган турли шаклда ариқча оладиган экичлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

V- шакли ариқча ҳосил қиладиган экичларга дискли экичлар мисол бўлади. Бундай экичлар билан дон, дон-ўт, сабзавот: СЗ-3,6А, СЗ-5,4 (Россия), Джон Дир 730 (США), Солитэр 10 (Германия), ангизга экадиган Salford 520 (Канада) сеялкалари жиҳозланган.

СЗ-3,6А, СЗ-5,4 (Россия) сеялкаларига ўрнатилган қўш дискли экичлар сифатли ишлов берилмаган, серкесак, бегона ўт қолдиқлари кўп бўлган майдонларда ишлатилади. Экич қирраси ўткирланган иккита дисклардан иборат бўлиб, дисклар, бир-бирига нисбатан 10<sup>0</sup> бурчак остида ўрнатилган, юкоридан қараганда уларнинг олд қисми пона ҳосил қилган ҳолда бир-бирига тегиб туради.

Сеялка экичлари ҳосил қиладиган ариқчаларнинг қўндаланг кесими шакли	Сеялкалар				
	СЗ-3,6А, СЗ-5,4 Россия) 	Джон Дир 730(США) 	Солитэр 10 (Германия) 	Salford 520 (Канада) 	

Джон Дир 730 сеялкасининг икки диски эккич тупроққа яхши кириши учун дисклар бир-бирига нисбатан 6,35мм силжитиб жойлаштирилган ва уларнинг орқа тамонига зичлагич гилдиракча ўрнатилган. Гилдиракча ариқчага экилиган уруғлар устидаги тупроқни зичлаш ва экиш чуқурлигини бир хилда бўлишини таъминлайди. Ёнма-ён жойлаштирилган эккичлар дискларининг қирқиш тиглари бир-бирига қарама-қарши ўрнатилганлиги учун ён тамондан таъсир қиладиган кучлар ўзаро мувозанатлашади.

Солитэр 10 сеялкасининг икки диски эккичларинотекис юзали ерларда уруғларни бир хил чуқурликда экилишини ватупроқ билан қўмилишини таъминлайдиган гилдиракча билан таъминланган.

Salford 520 сеялкасининг икки диски эккичлари параллелограмм механизмли осгичи ҳисобига нотекисликларга яхши мослашади ва уруғларнинг бир текис, бир хил чуқурликда ҳамда юқори тезликда экилишини таъминлайди.

Ҳар бир эккичнинг олд қисмига алоҳида осгич ёрдамида диски пичоқлар ўрнатилган. Улар анғизда ариқча очади, зичланган қатламни бузади, ўсимлик қолдиқларини майдалайди, самон қолдиқларини уруғ экиладиган ариқчага тушишидан сақлайди.

V-шаклли ариқча ҳосил қиладиган эккичларнинг камчилиги сифатида:

-уруғларнингбир хил чуқурликда, текис экилишини ва тупроқ билан қўмилишини тўлиқ таъминламаслигини;

- эккич олдда тупроқ уюми ва ўсимлик қолдиқларининг тўпланиб қолишини;


- эккич дискларига тупроқнинг ёпишиб қолиши ва олинандиган ариқча шаклиниталаб даражада таъминлайолмаслиги каби камчиликларни кўрсатиш мумкин. Афзаллиги сифатли ишлов берилмаган, серкесак, бегона ўт қолдиқлари кўп бўлган майдонларда экишни қаниқарли даражада таъминлаши, конструкциясининг оддийлиги хизмат кўрсатиш енгиллигидир.

U- шаклли ариқча ҳосил қиладиган эккичларга исканасимон ва анкерсимоноккичларни киритиш мумкин. Улар Amazone Primera DMC, Amazone AD3 Special (Германия) сеялкаларида қўлланилади.

Исканасимон эккичлар билан жиҳозланган Amazone Primera DMC сеялкаси - қуруқ минтақаларда, текис ва мулчаланган ерларга экин экишга мўлжалланган.


Amazone AD3 Special сеялкаларининг анкерсимоноккичлари – майдаланган самон ва экин қолдиқлари билан қопланган (м.у.: рапс, қанд лавлаги ва бошқа экинлар йиғиштирилган жойларга) ерларга экин уруғларини экишга мўлжалланган. Эккичлар уч қатор ва кенг ораликда жойлаштирилганлиги учун, уларга экин қолдиқлари ўралиб қолмайди.

U- шаклли ариқча олигич эккичларнинг камчилиги: тупроқда ишқаланиб ҳаракатланганлиги учун ишчи қисмининг тез ейилиши, ўсимлик қолдиқларини яхши қирқмаслиги; уруғ ва ўғитларни бир- биридан алоҳида- алоҳида ажратиш ташлайолмаслиги ҳисобланади. Афзаллиги эса- унинг иш сифати кўрсаткичлари агрегатнинг ҳаракатланиш тезлигига боглиқ бўлмаслиги, экин қолдиқларини олинган ариқчага тортмасдан, уларни ён тамонга суриб ташлаши ҳисобланади.

Сеялка эккичлари ҳосил қиладиган ариқчаларнинг кўндаланг кесими шакли	Сеялкалар	
	<p>Amazone Primera DMC (Германия)</p> 	<p>Amazone AD3 Special (Германия).</p> 

Тўнтарилган T- шаклли ариқча ҳосил қиладиган эккичларга— Horsch Sprinter ST (Германия), Morris Concept 2000 (Канада), СЗ-3,6А (Россия) сеялкаларига ўрнатилган ўкёйсимон тишли эккичлар киради.

Horsch Sprinter ST (Германия) ва СЗ-3,6А(Россия) сеялкаси эккичлари тупроқни жадал юмшатади, майдалайди, аралаштиради ва текислайди. Огир тупроқли ерларда тасмалаб экишни таъминлайди. У пружинали сақлагич билан жиҳозланган.

Сеялка эккичлари ҳосил қиладиган ариқчаларнинг кўндаланг кесими шакли	Сеялкалар	
	<p><b>Horsch Sprinter ST</b>(Германия) ва СЗ- 3,6А (Россия)</p> 	<p>Morris Concept 2000 (Канада)</p> 

Morris Concept 2000 (Канада) сеялкаси экичлари уруглари 15 см. кенглик тасма шаклда, ялпи экишга мўлжалланган. Ўғитларни уруглardan алоҳида солишни таъминлайди.

Тўнтарилган Т- шаклли ариқча олигич экичларнинг камчилиги, уларнинг тортишга қаршилигининг катталиги бўлса, афзаллиги - озиклантириш майдончасини роционал таъминлаши; уруг қадаладиган тупрок зичлигини талаб даражасида тайёрлаши; уруглари бир хил чуқурликда экилишини таъминлаши ҳисобланади.

Чигит сеялкалари (СХУ, СЧХ-4) туб қисми U-шаклли бўлган, тўнтарилган П-шаклли ариқча ҳосил қилладиган сирпангичли экичлар билан жиҳозланган.

Сеялка экичлари ҳосил қиладиган ариқчаларнинг кўндаланг кесими шакли	Сеялкалар
	СХУ-4, СЧХ-4 (Ўбекистон) 

Ариқчани бундай шаклдатаяёрлаш, яъни туб қисми тор ва унинг тупроги зичланган бўлиши, экилган уругларнинг тўғри, бир қаторларга жойлашинини ва уругларга намлик стказиб берадиган капилляр найчаларининг қайта тикланишини таъминлашни кўзда тутди. Аммо, экишга тайёрланган ерлар талаб даражада тайёрланмаса, серкесак ва , ўсимлик қолдиқларига бой бўлса, ариқча шакли аниқ олинмайди, уруг мўлжалланган ерга қадалайди.

Юқорида келтирилганлар асосида турли тупроқли шароитларда уруг экиладиган тегишли шаклли ариқчаларнинг кафолатли равишда олиншини таъминлаш учун уруг экиладиган зона тупрогини маълум бир чуқурликда ва кенликда, агротехник талаб даражасида юмшатиш ва юмшатишган тупроққа уруг экиш технологияси ишлаб чиқилди ва уни таъминлайдиган, комбинациялаштирилган ишчи қисмлар билан жиҳозланган чигит сеялкаси (FAP ) яратилди. Дастлабки тажриба синопларидан ўтказилган, қутилган натижалар олинган. Ҳозирги пайтда сеялка устида экспериментал тадқиқотлар ўтказилмоқда.

**Хулоса, таклиф ва тавсиялар.** Турли тупроқли шароитларда, уруг экиш учун тупроқда олинадиган ариқчалар кўндаланг кесими шакллари, уларни олишда қўлланиладиган сеялкалар ва ишчи қисмлари иши таҳлили асосида уларнинг афзаллик ва камчиликлари аниқланди. Бу уруг экиш учун ариқча шаклини ва уни амалга оширишда қўлланиладиган ишчи орган ва сеялкаларни танлаш имконини беради.

Камчиликларни бартараф этиш йўналишида тегишли шаклдаги ариқчалар олиншини, комбинациялаштирилган ишчи қисм билан жиҳозланган сеялка ёрдамида бир пайтнинг ўзида уруг экиладиган зона тупрогини юмшатиш ва уруг экишни таъминлайдиган технология таклиф этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кленин Н.И., Сақун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. М. "Колос". 2005. с.-162-194.
2. Листопад Г.Е. и др. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. М. "Агропромиздат". 1986. с.-61-100.
3. Лемкен компанияси проспекти.

\*\*\*\*\*

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЧУН ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ АСОСИДА АВТОНОМ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ**

**А.Раджабов, М.Ибрагимов, Н.Эшпулатов**  
Тошкент давлат аграр университети

Мақолада қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари учун қуёш энергияси асосида автоном электр таъминот тизими элементларини параметрларини аналитик ҳисоблаш методикаси келтирилган.

**Калим сўзлар:** Қуёш электр станцияси, қуёш нурланиши, фотоэлектр ўзгартиргич, электр юкланиш графиги, энергия манбасининг қуввати, юклама диаграммаси, аккумулятор, қуёш энергияси интенсивлиги, фойдали иш коэффициентини, аккумулятор батарея сизими.

Истеъмолчиларни, жумладан қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларини электр таъминоти муаммоларини ечишда энергия манбаининг қуввати истеъмолчиларнинг умумий қувватидан кам бўлмаслиги шарти бажарилиши талаб этилади. Истеъмолчилар қуввати муайян ҳудуддаги энергетик қурилмалар ва энерготехнологик жараёнларнинг ўрнатилган қувватлари йигиндиси билан ифодаланади.

Қуёш электр станцияси ишлаб чиқадиган электр энергия бир қанча факторларга боғлиқ бўлиб, унинг маълум вақт давомидаги миқдорини қуйидагича аналитик ифодалаш мумкин:

$$W = \int_0^t P_k \eta_k t dt \quad (1)$$

Формулаи амалда қўллаш учун ушбу узлуксиз интеграл функцияни параметрлар кўпайтмаси дискрет йигиндиси кўринишида ифодалаймиз:

## МУНДАРИЖА

Мақола номи ва муаллифлар	Бети
<b>СЎЗ БОШИ</b> <i>Б. Сулаймонов</i>	3
